

Кўргазма – натижалар нишони

Натижа ва самараларимизни билиш ва танишиш учун албатта, кўргазмаларга ташриф буюришнинг ҳикмати катта. У янги режаларга тўртки бўлиши ҳам мумкинлигини билганлар албатта, бу мулоҳазага бефарқ қарашмайди. Жорий йилнинг 21 – 23 ноябр кунлари “Ўзэкспомарказ”да “UzAgroExpo – 2018” 14 – халқаро кўргазмаси ташкил этилди. “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” факультети ҚХМ кафедраси ассистенти Б.Сармисоков, “МФ ва Т” кафедраси доценти Э. Фармонов, УТФ кафедраси ассистенти Н. Абдиев ҳамда “Т ва А” кафедраси ассистенти А.Бозорбоев, факультет Хотин – қизлар қўмитаси раисаси Н. Холиқовалар раҳбарлигида факультет талаба – ёшлари билан кўргазмада иштирок этиб келишди. Кўргазма бевосита қишлоқ хўжалиги соҳаси йўналишида бўлганлиги учун талабаларнинг иштироки уларга янги билим ва янги ғоя берган бўлса ажаб эмас. Бу кўргазма талаба – ёшларда қишлоқ хўжалиги соҳасида янги ғоялар, инновациялар яратишга чуқур фикрлашга ундашини инкор этиш қийин. Кўргазмадан талабаларимиз жуда катта таассуротлар билан қайтишди.



ҚХМ факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари И.Рахимов ахбороти

Институт Матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов